

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« I » март 20I9 у.

№ I86

Toshkent sh.

**“Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржаси” АЖ
биржа савдоларида қимматбаҳо металлларни сотиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қошидаги Қимматбаҳо металллар агентлигида қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш ва топшириш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4121-сон қарорига мувофиқ, саноат маҳсулотлари, заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришда хонашэ сифатида фойдаланиладиган қимматбаҳо металлларни биржа савдоларида сотиш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. “Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржаси” АЖ биржа савдоларида қимматбаҳо металлларни сотиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги билан биргаликда ҳар йили қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш прогнози параметрларини шакллантиришда саноатда ишлатиладиган маҳсулотлар, заргарлик буюмлари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, асосланган ҳисоб-китоблар бўйича биржа савдоларида сотиш учун қимматбаҳо металллар ажратиш ҳажмларини назарда тутсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж.А.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б.А.Хўжаев зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари котибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 1 мартдаги
186-сон қарорига
илова

**“Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржаси” АЖ биржа
савдоларида қимматбаҳо металлларни сотиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қимматбаҳо металлларни биржа савдоларида саноатда ишлатиладиган маҳсулотлар, заргарлик буюмлари ва бошқа буюмларни ишлаб чиқарувчиларга сотиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

стандарт қуймалар (пластиналар) – Ўзбекистон Республикаси, қуймаларни ишлаб чиқарувчи давлатнинг техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларига, шунингдек, товар-хонашэ биржалари (кейинги ўринларда биржалар деб аталади) талабларига мувофиқ бўлган заргарлик буюмлари ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хонашэ сифатида биржа савдоларида сотиш учун мўлжалланган қимматбаҳо металллар қуймалари (пластиналар);

қимматбаҳо металллар – Ўзбекистон Республикасининг, шунингдек, ишлаб чиқарувчи давлатнинг техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларига мувофиқ бўлган қуймалар, пластиналар, гранулалар ва кукун кўринишидаги олтин, кумуш ва платина;

қимматбаҳо металллар гранулалари – қимматбаҳо металллар аффинажини амалга оширувчи корхоналар томонидан тайёрланадиган, биржа савдоларида заргарлик буюмлари ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга бошланғич хонашэ сифатида соталидаган юмалоқ шаклдаги кристаллаштирилган эритма шаклидаги қимматбаҳо металллар гувалачалари;

биржа битими – биржа савдоларининг биржа томонидан қайд этилган натижаси бўйича тузилган, биржа томонидан рўйхатдан ўтказилган биржа товарининг олди-сотди шартномаси;

биржа аъзолари – биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда дилерлар ва брокерлар сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар;

биржа савдоларининг электрон тизими – биржа аъзоларига республиканинг ҳар қандай географик нуктасидан масофада туриб аниқ вақт режимида биржа савдоларида иштирок этиш имкониятини берадиган, дастурий-аппарат воситалари мажмуини ўз ичига олган глобал тақсимланган ахборот тизими;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (кейинги ўринларда ХҚП деб аталади) – биржанинг биржа битимлари бўйича клиринг ва ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказилишини таъминловчи таркибий бўлинмаси;

аванс – молиявий маблағлар сотувчилари ва харидорлари томонидан киритиладиган, биржа йиғимини, шунингдек, томонларнинг закат пулини ўз ичига оладиган сумма;

Лондон қимматбаҳо металллар бозори уюшмаси фиксинги – юзага келган талаб ва таклиф асосида Лондон қимматбаҳо металллар бозори уюшмаси томонидан қўлланиладиган қимматбаҳо металллар нархларини белгилаш ва эълон қилиш тартиботи.

3. Қимматбаҳо металлларни биржа савдоларида сотиш қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқарувчилар ёки биржа савдоларининг бошқа иштирокчилари томонидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

4. Қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқарувчилар ёхуд биржа савдоларининг бошқа иштирокчилари – биржанинг етказиб берувчилари норматив ҳужжатлар талабларига ва намунага мувофиқ қимматбаҳо металллардан пластиналар, қуймалар, гранулалар ишлаб чиқарилишини таъминлайдилар.

Буюртмалардан ҳамда бозордаги талаб ва таклиф конъюнктурасидан келиб чиқиб ишлаб чиқарувчилар қимматбаҳо металллардан қуйидаги ўлчов оғирлигидаги ўлчов пластиналари, қуймаларни ишлаб чиқарадилар: олтиндан – 5 грамм, 20 грамм, 50 грамм, 100 грамм, 250 грамм, 500 грамм ва 1000 граммли, шунингдек, кумушдан – 100 грамм, 250 грамм, 500 грамм ва 1000 граммли.

Қимматбаҳо металлларнинг стандарт пластиналари ва қуймалари юзасида ишлаб чиқарувчининг товар белгиси бўлиши, соф қимматбаҳо металл ва лигатура массаси таркибининг кўрсаткичлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳамда товар-хомашё биржасининг талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Қимматбаҳо металллар гранулалари маҳсулотнинг таркиби ва сифатини кўрсатувчи тегишли ёзувлар киритилган оғирлиги ўлчанган ўрамга ўраб жойлаштирилган бўлиши керак.

5. Саноатда ишлатиладиган маҳсулотларни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, юридик шахслар ва якка тадбиркорлар – қимматбаҳо металллардан заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарувчилар биржа савдоларида қимматбаҳо металлларнинг харидорлари ҳисобланадилар.

Заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарувчилар савдоларда иштирок этиш учун биржага Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) томонидан бериладиган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни тақдим этишлари керак.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар савдоларда иштирок этиш учун биржага Агентликнинг Давлат асиллик палатаси томонидан бериладиган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини тақдим этиши керак.

6. Биржа савдолари ҳар куни (душанбадан жумагача) биржа савдолари электрон тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

7. Биржа савдоларида сотиб олинган қимматбаҳо металлларни экспортга сотиш мумкин эмас.

2-боб. Қимматбаҳо металллар ҳажмларини шакллантириш, биржа савдоларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби

8. Етказиб берувчилар томонидан қимматбаҳо металлларни биржа савдоларига қўйиш қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳажмларининг тасдиқланган ҳажмларига мувофиқ амалга оширилади.

Тегишли йилга қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг тасдиқланган прогнозлари асосида биржа савдоларида қимматбаҳо металлларни сотишнинг чораклик ва ойлик прогнозлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан белгиланади.

Қимматбаҳо металллар ишлаб чиқарувчилар ҳар ойда жорий ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан маҳсулотларни биржа савдоларида жойлаштириш жадвалини ишлаб чиқадилар ва навбатдаги ой бошлангунига қадар биржага юборадилар.

Жойлаштириш жадвалларида биржа савдоларида сотиш учун мўлжалланган қимматбаҳо металллар ҳажмлари кўрсатилади.

9. Биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш қонун ҳужжатларига, биржа савдолари ва ҳисоб-китоб-клиринг хизмат кўрсатиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Биржа савдолари ва ҳисоб-китоб-клиринг хизмат кўрсатиш қоидалари биржа, биржа аъзолари, сотувчилар ва харидорлар учун мажбурий ҳисобланади.

Биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар миқдори харидорлар ва сотувчилар учун белгиланган тартибда биржа хизматларига белгиланган тарифлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

10. Харидорлар ва сотувчилар биржа савдоларида биржа билан ёки брокерлар номидан уларнинг трейдерлари томонидан тузилган шартнома асосида дилерлар сифатида мустақил равишда иштирок этадилар.

11. Ҳар бир биржа савдоси бўйича сотувчилар ва харидорларга рухсат бериш ёки четлатиш, шунингдек, биржа савдорлари голибларини аниқлаш ва биржа битимларини рўйхатдан ўтказиш автоматик тарзда биржанинг электрон биржа савдолари тизими томонидан амалга оширилади.

12. Савдога қўйилган, бироқ сотилмаган маҳсулотлар ҳажмлари, шунингдек, бекор қилинган битимлар бўйича ҳажмлар такрорий равишда биржа савдоларига қўйилади.

Биржа савдоларида бир ой мобайнида сотилмаган қимматбаҳо металллар ҳажмлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда сотиб олиниши мумкин.

13. Маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш биржа етказиб берувчилари томонидан 100 фоизли олдиндан ҳақ тўлаш шартларида амалга оширилади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ биржа савдоларида сотиладиган қимматбаҳо металлларга қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди.

3-боб. Маҳсулотнинг бошланғич нархини белгилаш ҳамда биржа савдолари иштирокчилари ва маҳсулотни юклаб берувчилар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар

14. Қимматбаҳо металлларнинг бошланғич нархи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг биржа битими тузилган санадаги курси бўйича миллий валютада Лондон қимматбаҳо металллар бозори уюшмасининг сўнгги тонгги фиксинги асосида белгиланади.

Қимматбаҳо металлларнинг миллий валютадаги бошланғич нархининг ҳисоб-китоблари ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ амалга оширилади.

15. Харидорлар ҲҚПдаги ўз ҳисоб рақамларига биржа битимининг мўлжалланаётган суммасининг 1 фоизи миқдоридаги закатни ўз ичига олган авансни киритадилар.

16. Харидорлар биржада аванс билан таъминланган ҳажмларда маҳсулот сотиб олиш учун битимлар тузишга ҳақлидирлар.

17. Олди-сотди шартномаси расмийлаштириш учун биржа томонидан биржа аъзоларига биржа савдолари қоидаларига мувофиқ биржа битимини электрон рўйхатдан ўтказиш санасида тақдим қилинади.

18. Харидор ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ 3 иш куни мобайнида тузилган биржа битими бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун етарли бўлган миқдордаги маблағларни биржанинг талаб қилиб олингунгача иккиламчи депозит ҳисоб рақамига ўтказиши керак.

19. ҲҚП ушбу Низомнинг талабларига мувофиқ олди-сотди шартномаси бўйича зарур пул маблағлари тушганидан сўнг бир иш куни мобайнида сотувчининг шахсий кабинетига тўланган битимларнинг реестрини юбориши шарт.

20. Сотувчи ҲҚПдан харидор томонидан ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ олдиндан тўлов амалга оширилганлиги ҳақидаги хабарни олганидан сўнг биржа битимида келишилган етказиб бериш шартлари бўйича 5 иш куни мобайнида харидорга маҳсулотни етказиб беради.

21. Сотувчига ҲҚП томонидан харидорнинг шахсий ҳисоб рақамига тўланган маблағлар тушганлиги ҳақида битимлар реестрини тақдим қилиш сотувчи томонидан харидорга маҳсулотни юклаб жўнатиш учун асос сифатида хизмат қилади.

ҲҚП томонидан харидор ўз мажбуриятларини бажарганлиги факти тасдиқланмасдан сотувчи томонидан маҳсулот юклаб жўнатилган тақдирда, биржа рўйхатдан ўтказилган олди-сотди шартномаси мажбуриятларининг харидор томонидан бажарилмаганлиги учун жавоб бермайди.

22. Маҳсулотни юклаш ва олиш факти харидор ва сотувчининг имзолари билан тасдиқланадиган счёт-фактура нусхаси билан тасдиқланади.

Счёт-фактуранинг тақдим қилинган нусхаси ҲҚП бир иш куни мобайнида сотувчига хизмат кўрсатувчи банкдаги талаб қилиб олингунгача иккиламчи ҳисоб рақамига маблағларни ўтказиши, шунингдек, битимни ёпиш учун асос ва мажбурият сифатида хизмат қилади.

4-боб Яқунловчи қондалар

23. Биржа савдосини ташкил этиш, шартнома мажбуриятларини ижро этиш ва ҳисоб-китоб-клиринг хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

24. Сотувчи ёки харидор томонидан ушбу Низомдан келиб чиқадиган ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, ноҳалол томоннинг зақалати жабрланган томоннинг фойдасига ушлаб қолинади. Бунда сотувчидан харидор фойдасига ундириладиган сумма миқдори шартноманинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

25. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**Биржа савдоларида қимматбаҳо металлларни сотиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
I босқич	Сотувчи ва харидор ўз танлови бўйича брокер билан шартнома тузади.	Сотувчи, харидор	Заруратга кўра
II босқич	Сотувчининг брокери ёки сотувчининг ўзи шахсий кабинет орқали Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги билан келишилган жадвалга мувофиқ қимматбаҳо металлларнинг қўйиладиган ҳажмлари тўғрисидаги ахборотни жойлаштиради.	Сотувчи, биржа	Савдо бошланишидан 1 кун олдин
III босқич	Биржа ўзининг веб-сайтида биржа савдолари ўтказилиши санаси ва вақти тўғрисидаги ахборотни эълон қилади.	Биржа	Савдо бошланишидан олдин
IV босқич	Биржа савдоларида ишгирик этувчи қимматбаҳо металлларнинг сотувчиси ва харидори ҳисоб-китоб клиринг палатасида (ХҚП) ўзининг шахсий ҳисоб рақамига савдога қўйиладиган ва харид қилиш мўлжалланаётган маҳсулот қийматининг 1 фоизи миқдоридagi маблағни закат сифатида мажбурий тартибда депозитга қўяди.	Сотувчи, биржанинг ХҚПси	Савдо бошланишидан 1 кун олдин
V босқич	Сотувчининг брокери ва харидорнинг брокери ёки сотувчи ва харидорнинг ўзи тузилган битимлар реестри асосида қимматбаҳо металлларни сотишга биржа битими тузадилар.	Брокер, сотувчи, харидор	Тузилган битимлар реестри тақдим қилингандан кейин
VI босқич	<ol style="list-style-type: none"> 1. Харидор биржа битими бўйича зарур пул маблағларини биржанинг ХҚПсидаги ўз шахсий ҳисоб рақамига ўтказди. 2. Биржанинг ХҚПси ушбу Низом талабларига мувофиқ тушган суммага сотувчига тўланган битимлар реестрини юборади, бу маҳсулотни харидорга юклаб жўнатиш учун асос бўлади. 3. Маҳсулотнинг юклаб жўнатилиши ва олиниши факти харидор ва сотувчининг имзолари билан тасдиқланган счёт-фактура билан тасдиқланади. 	Харидор, биржанинг ХҚПси, сотувчи	<ol style="list-style-type: none"> 1. Биржа битими рўйхатдан ўтказилгандан кейин 3 иш куни мобайнида. 2. Харидордан пул маблағлари тушгандан кейин 1 иш куни мобайнида. 3. ХҚПдан тўланган битимлар реестри олингандан кейин 5 иш куни мобайнида.

Низомга
2-илова

Қимматли металл бошланғич қийматининг ҲИСОБ-КИТОБИ

1 грамм қимматбаҳо металлнинг миллий валютадаги нархи қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$P_{G/UZS} = ((P_w / Y) * E_{CB})$ вергулдан сўнг 2 касрли хонага қадар яхлитланади,
бунда:

$P_{G/UZS}$ – бир грамм учун сўмдаги нарх;

P_w – Лондон қимматбаҳо металллар бозори уюшмасининг сўнгги эрталабки фиксинги нархи (АҚШ доллари/тр.унц.);

Y – бир трой унциясининг метрик граммдаги эквиваленти (1 трой унцияси = 31,10348 грамм);

E_{CB} – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси (миллий валютада АҚШ доллари).